



# КЎНГИЛ ЗИЁРАТИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

— Аҳолининг китобхонлик маданиятини ошириш, ёш авлодга мутлолага кенг жалб қилиш мақсадида 10 мингдан зиёд жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналарини ўз ичига олган "Китоб карвони" вилоятнинг барча туман ва шаҳарларига йўналтирилди, — деди Қизилтепа тумани ҳокими Улугбек Файзуллаев. — Жумладан, туманимизнинг Бободўғи маҳалласидаги 25-мактабга ҳам "Маърифат карвони"да келтирилган китоблар топширилди. Карвон доирасида ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, ёшга доир китобхонлик маданиятини ривожлантириш ҳамда китоблар улашиш ниятида нафақат бизнинг туман, Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарлариди маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Конимех тумани маҳаллаларида "Меҳр-муруват ва саховат", Зафаробод шаҳарчасидаги кон бошқармаси ҳамда Навоий шаҳридаги ҳарбий

қатнашди. Конимех, Қизилтепа, Хатирчи туманларида ҳам "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида турли хил манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилиб, худудлар кўкаламзорлаштирилди.

Сафар асносида Имом Мотуридидийдек ҳассос фақиҳлар, термизийлар, бухорийлар етишиб чиққан она юртимизнинг ҳар бир



қисмда "Маърифат соати" лойиҳалари доирасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли, айниқса, ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, улардан самарали фойдаланиш лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш мақсадида "5 минг қадам" лойиҳаси ўтказилди. Мазкур тадбирда вилоятдаги нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар, бир гуруҳ санъат ва маданият намоёндалари, шоир ва ёзувчилар, жами 2 мингдан ортиқ иштирокчи

қарич ери ҳикматга бойлигию тупроғи олтинга тенглигини ҳис қилдик. Беихтиёр бир воқеани эсладим. Саксон тўққиз ёшли Худойберди ҳожи бобо менга муқаддас ҳаж зиёрати чоғи кўргани — Маккатиллода қолиб кетган бир муҳожир ўзбек умр бўйи олдириган соч-соқолини йиғиб, уни ота юрти Ўзбекистонга олиб келиб кўмгани, аммо, минг афсуски, ўзига бундай саодат насиб этмаслигини айтиб, зор қаҳраганини сўзлаб берганди. "Мен шу ёшга кириб Ватан дарди, ҳасрати нималигини ҳали бу қадар чуқур ҳис қилмаган эдим. Ҳечдан кўра кеч бўлса-да, она Ватаним



муқаддасликда Каъбадан қолишмаслигини англаганидан сўнг Ўзбекистон байроғи сурати туширилган зиёрат либосини ўлғунимча эгнимдан туширмасликка олт ичдим, болам", деганди ҳожи бобо.

Кармана туманидаги Дўрмон маҳалласида ўтган тадбирда бир юз ўн ёшли Пирмат бобо билан юзлашдик. Нуруний отахоннинг ҳаётини тажрибаси, фалсафаси ҳам таъсирчанликда Худойберди бобонинг ҳуюқасидан қолишмади.

Таниқли шоир Бобур Бобомурод, суҳандон Мавлуда Аҳмедова, хонанда Кумуш Мўминова ва бошқа ижодкорлардан иборат бизнинг гуруҳ Қизилтепа туманига бириктирилганди. Сафар давомида ҳамкор, ҳамфикр бўлиб, иноқлашиб қолган эканмиз, Навоий вилояти марказидаги "Фарҳод" санъат саройидаги галаконцертдан сўнг хайрлашиш осон бўлмади. Янги-янги режалар тузиб, ўзаро ҳамкорлик қилишга, мунтазам фикр алмашиб туришга келишиб олдик.

Дарвоқе, ҳеч бир ижодкор сафардан куруқ қўл билан қайтмади: кимдир янги шеър ёзди, бошқаси янги куй басталаб, янги қўшиқ яралганини маълум қилди. Истеъдодли шоир Ҳумоюннинг шеърига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Матқаримов куй басталаб, янги қўшиқни муҳлислар эътиборига ҳавола қилди.

Шухрат АЗИЗОВ, "ЎЗАС" муҳбири

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР КИНОФЕСТИВАЛИ

Жорий йилнинг 1-5 ноябрь кунлари Туркиянинг Бурса шаҳрида "Қўрқут ота" туркий халқлар кинофестивали иккинчи мартаба ўтказилди. Кинорежиссёрлар, театр ва кино актёрлари, жами ўттиздан ортиқ ижодкорлардан иборат Ўзбекистон делегацияси фестивалда фаол иштирок этиб қайтди. Кинофестивал доирасида иштирокчилар учун Бурса шаҳри бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Тадбирда қатнашган санъаткорлар таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

# «ҚЎРҚУТ ОТА» ФЕСТИВАЛИ ТААССУРОТЛАРИ

**Абдухалил МИГНОРОВ, кинорежиссёр ва актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:** — 4 ноябрь куни кинофестиваль доирасида "Ўзбекистон киноси кунлари" бўлиб ўтди. Дастур доирасида ўзбек актёрлари ва режиссёрлари билан ижодий учрашув ташкил этилди. Фильмлар намойиши дастуридан режиссёр Дилмурод Масаидовнинг "Аёл қисмати", Ақром Шохназаровнинг "101-рейс", Иброҳим Расуловнинг "Муҳаббат баҳори" ва ёш ижодкор Фуқрат Усмоновнинг "Инсон" номли кўп қисмли ҳужжатли фильмлари ўрин олди. Аммо фестиваль саралаш комиссияси томонидан танлов дастурига фақат "Аёл қисмати" бадий ҳамда "Инсон" номли кўп қисмли ҳужжатли фильм қабул қилинди. Юртимиз киноижодкорлари томонидан яратилган фильмлар Бурса кинотеатрларида намойиш этилди.

Бурсада тарихий жойлар жуда кўп. Инсонни ҳайратга соладиган томони шундаки, кичкина шаҳарчада ўндан ортиқ эски масжидлар сақланиб қолган. Бурсалиқлар ўзбекистонликларни жуда қадрлашаркан. Бурса шаҳридаги кинотеатрларда шарт-шароитлар етарли даражада. Туркия телеканалларини кузата туриб, мамлакатда сериаллар ишлаб чиқариш жуда илгариллаб кетганига амин бўлдим.

Фестиваль якунида ташкилотчилар бизнинг миллий қадриятларимизни алоҳида эътироф этиб, ўзбек киноижодкорларини "энг яхши" деб баҳолагани бизни қувонтирди.

**Дилмурод МАСАИДОВ, сценарийнавис ва кинорежиссёр:** — Бурсада ўтказилган иккинчи "Қўрқут ота" туркий халқлар кинофестивалини катта қизиқиш билан кузатдик. Хайратланарлики шундаки, фестиваль ўн икки йил аввал олинган Қўрбонжон Додхоҳ ҳақидаги тарихий фильм билан очилди. Фестиваль доирасида ижодий жамоамиз билан голибликни қўлга киритишни истаган бўлсак ҳам, бизга ҳаққоний рақиб, балки устунроқ, деб ҳам уй-

лаганим — озарбайжонлик ҳамкасбларимизнинг фильми эди. Сўнгги сонияларгача натижани кучли ҳажжон билан кутдим. "Аёл қисмати" бадий фильмини "Йилнинг энг яхши фильми" номинациясида гран-при мукофотига лойиқ қўрилгани учун бизни саҳнага чақирганида ишонмай ҳайратда қолдим.

**Фуқрат УСМОНОВ, сценарийнавис ва кинорежиссёр:** — "Инсон" ҳужжатли фильми қахрамонлари ҳам орамиздаги одамлардир. Фуқратдан фойдаланиб, ўзбек ҳужжатли киносининг ривожини учун майдон, имконият ва шароит яратиб берган инсонларга самимий ташаққуримни билдирмоқчиман.

Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шодиева "Аёл қисмати" фильмидаги бош роль ижроси учун фестивалнинг "Туркий халқлар кинематографиясига қўшган хизматлари учун" ҳамда киноактриса Юлдуз Ражабова "Туркий халқлар бирдамлиги ҳамда ҳамдўстлигига қўшган хизматлари учун" халқаро мукофоти билан тақдирланди.

Фестиваль доирасида "Энг креатив қисқа метражли фильм суратга олгани учун" Бутунроссия давлат кинематография институти Тошкент филиали талабалари Акмал Обиджонов ва Саидялоҳон Маъсуджоновга фестивалнинг эсдалик кўкрак нишонлари топширилди.

"Қўрқут ота" III халқаро кинофестивали эстафетаси Озарбайжонга топширилди. Фестиваль 2023 йили айна шу пайтда Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида, 2024 йилда Қозоғистонда, 2025 йилда эса Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган.

Умид қиламики, туркий тили давлатлари бирлаштираётган "Қўрқут ота" халқаро кинофестивали ўзбек киноижодкорларини янада изланишга ва жаҳон кино бозорида рақобатлаша оладиган асарлар яратишга ундайди.

Дилфуза ТУРДИБОЕВА ёзиб олди.

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўзбек ва турк адабиёти ҳамкорлигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили, элчихона Коммуникациялар бўлими маслаҳатчиси Ҳамди Туршужу бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар иштирок этиди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид қардош дўстларга Навоийнинг "Ҳамса"си ҳамда Юнус Эмронинг ўзбек тилидаги китобини совға қилар экан, икки халқ адабиёти, мустақкам адабий алоқалар, Туркияда чоп этилаётган ўзбекистонлик ижодкорларнинг асарлари ва уларнинг халқаро танловлардаги иштироки ҳақида гапирди. Икки давлат адилбарининг таржима асарларини кўпайтириш, кутубхона ва ноширлик ишларида яқдилликка эришиш масалаларида ўзаро келишиб олинди.

\*\*\*

Тожикистонлик бир гуруҳ шоир ва адилбар Фаргона вилоятга ташриф буюрди. Меҳмонлар ўзбек-тожик дўстлик жамияти марказида катта тантана билан кутиб олинди.

Кўшни давлат вакиллари уста кулол Равшан Тожиддинов томонидан ташкил этилган "Р+Корон" корхонасига қарашли уй-музейда бўлиб, бу ердаги бетакорор санъат асарлари билан танишишди. Меҳмонлар "Халқаро кулоллар маркази"да хунармандлар учун яратилган имкониятларни алоҳида эътироф этишди. Сўнг Сўғд ва Риштон ижодкорлари ўртасида "Сўз хазинаси" мавзусида илмий-адабий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда бедилшунос олим Нурали Нуров, шоира Гулноз Тоҳириён, Тожикистон элчихонаси вакили Шаҳоб Шоев иштирок этди.

\*\*\*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоир Одил Ҳотамнинг "Хир-

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

мон" сайланма китоби тақдимоти ўтказилди. Тақдимотда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғофуров, адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев, шоира Ҳалима Аҳмедова ва бошқалар сўзга чиқди.

— Одил Ҳотам вилоятда туриб ижод қилади, — деди адабиётшунос Бэходир Карим. — У ўз ҳудудида ўзига хос адабий муҳит яратган ижодкор. "Хирмон" китобини ўқирканман, ундаги шеърлар шоир юрагининг иклими эканлигини ҳис қилдим.

"Саҳроф" наشريётида чоп этилган ушбу китобга Вафо Файзулло муҳаррирлик қилган. Тўпламга шоирнинг турли йилларда ёзган ижод намуналари жамланган.

\*\*\*

Юнусобод туманидаги 21-мактабда она тили фан ойлиги иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Шоди Отамурод ва Наргиза Асадова она тилимизнинг нуфузини ошириш, уни асраб-авайлаш, фан ўқитувчиларининг масъулиятини ошириш ҳамда ёшларни китоб мутлолаасига кенгроқ жалб этиш ҳақида гапирди.

Таянч мактаблари мураббийлари ўртасида ўтказилган "Она тили, ўзбек тили фанлари таълимида сифат ва самардорликни ҳамда саводхонликни оширишнинг замонавий усуллари", "Кимнинг хати чиройли?" ҳамда "Митти юлдуз шуъласи" мавзусидаги танловларда қатнашган ўқитувчи ва ўқувчилар тақдирланди.

Фолибларга Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган китоблар совға қилинди.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

Режиссёр ўз атрофида яхши ижодий жамоа шакллантираётгани, актёрларга истеъдодини, индивидуал кираларини кўрсатишига имкон яратибганини мазкур фильмда тўплаганича исботини топган.

Фильм воқеаларини иккита оператор тасвирга туширган: Рустам Муродов ва Жамшид Ганиев. Картина турли мамлакатларда суратга олинган, қолаверса, мураккаб вазиятлар, драматик эпизодларнинг қўллигини назарда тутсақ, тасвирчиларга осон бўлмагани аниқ. Бироқ улар ўз вазифасининг уйдасидан чиққан: қахрамонлар руҳиятини нигоҳлар орқали йирик планда ифодалангани, табиатнинг ажралмас узвлари — ёмғир, довул, денгиз, шамол, саҳро, тупроқ тасвирларининг шунчаки фон

# ЭВРИЛАЁТГАН ЙИГИТ ҚИСМАТИ

ижро этган катта-кичик роллари орқали танирди, лекин унинг бундай катта масъабдаги мураккаб фильмга психологик образини яратишга қодирлиги хаёлимга ҳам келмаган эди. Хулоса шунки, Ёлқин ака — кашшоф режиссёр; у актёрнинг яширин имкониятлари, ички кечинмаларини қандай инкишоф этишни яхши билади, йўқса, мўъжазгина театрда ишлаб юрган йигит "ярқ" этиб кўзга ташланмас, ҳаммининг назар-эътиборини ўзига қаратмаган бўларди.

Энди уша топилдиқ актёрнинг ижроси ҳақида тўхталсак. Ўлмас Ўраев қаҳрамони руҳиятидаги турфа эврилишларни пафосга берилмай, вазмин нигоҳ, ички хотиржамлик билан томошабинга етказди. Образ характерининг тадриҳий чизилгани, ҳолатлар динамикасининг ўзвийлиги, психологик бўёқларнинг қуюқлиги ёш актёр ижросининг муваффақиятли жиҳатларидир. Актёр режиссёр мақсади ва услубини тўғри англаган ҳолда қаҳрамони саҳиясини изчиллик билан, руҳий мувоозанатни сақлаган ҳолда очиб берган.

Фильмдаги бошқа ижролар хусусида ҳам эътирофли фикрлар айтиш мумкин. Хусусан, Рустамнинг рафиқаси родини ижро этган актриса Юлдуз Ражабова ўзгача характердаги, замонавий аёл образини яратган. Шунингдек, афгон амирини талқин этган Баҳром Матчонов, зобитлар бошлигини гавдалантирган Игорь Буҳалдзев, Рустамнинг онасини уйнаган Илмира Раҳимжоновна ҳамда катта-кичик персонажларда кўринувчи Ботир Абдурахмонов, Жўрабек Арзиев, Евгений Москвичевнинг маҳорати ҳам эътиборга молик. Бу актёрларнинг айримлари билан Ёлқин Тўйчиев "Фариданин" икки минг қўшиғи" фильмида ҳам бирга ишлаган.

бўлиб қолмай, фильм бадийяти, кўрмиллигини ошириши, макон ва муҳит тез-тез алмашишига қарамай, концептуал аҳамиятга эга яхлит натуранинг топилиши ва бошқа муваффақиятлар диққатга аригулик. Аксар ҳолларда, айниқса, ички кечинмага бой эпизодларда табиатнинг ўзи сўзлайди: хусусан, фильм қаҳрамонлари баъзида денгиз бўйида тасвирланади, уларнинг ботинидаги туйғулар сувнинг ҳайқирғини орқали акс садо беради. Бундай рамзий-аллегорик ифодалар, операторлик ечимлари фильмда кўп учрайди ва табиийки, бу томошабинни мушоҳадага ундайди.


Фильмнинг финал эпизоди — "тупроқ" деб аталади, бани одамнинг зуваласи тупроқдан қорилган, паймонаси тўлганда яна шу тупроққа қўйилади. Демак, тупроқ — ўзликка, асл фитратга қайтиш дегани. Неча йиллик мусофирликдан сўнг Рустам ҳам Ватанга қайтади, таассуфки, ота-онаси аллақачон дунёдан рихлат қилган. Томошабин нигоҳи останадаги қовушга тушади, бу фарзандининг йўлига кўз тикиб ҳаёт кечирган падару волидасидан охириги ёдгорлик, айна вақтда уларнинг сўнмас умиди, изтиробу илнжи рамзи.

"Эврилиш" фильмида етарли асосланмаган, мантиқан далилланмаган эпизодлар ҳам бор. Аввало, Рустамни бундай дарбадар, мусофир ҳаётга, аникроғи, эврилишдек мураккаб эволюцияга нима ёки қандай куч ундади, деган ҳақли савол туғулади ва афсуски, фильм интиҳосига ҳам бу жумбоққа жавоб топилмайди. Турғи, Рустамнинг хотираси орқали ота-онаси билан жанжаллашиб, уйдан чиқиб кетгани ва алам билан ниманидир исботлаш истагида афгон муҳорабасига йўл олгани кўр-

## ҲОКИМ КИТОБ ТАҚДИМОТИДА

"INFOLIB" O'ZBEKISTON-2022" китобхонлик ҳафталиги доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоир Ашурали Боймуроднинг "Учинчи Уйғониш" китоби тақдимотига бағишланган адабий-маърифий учрашув бекобдик адабиёт муҳлислари қалбига катта завқ-шавқ бағишлади.

Тақдимотда сўзга чиққан Бекобод тумани ҳокими Фуқрат Худойбердиев, Республика Маънавият ва маърифат маркази



Тошкент вилояти бўлими раҳбари Сайёра Файзуева, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Абдурахмон Пиримқулов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси иқтидорли шоир Зоҳиджон Олов ва бошқалар Ашурали Боймуроднинг янги китоби тўғрисида ўзларининг илиқ фикрларини билдиришди.

Туман маданият уйи ҳамда Ахборот-кутубхона маркази ходимлари томонидан шоирнинг китоблари кўргазмаси ташкил этилди ҳамда ижодий фаолиятига бағишланган видеоролик намойиш этилди. Мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари шоир шеърларидан намуналар ўқиб беришди.

Хушовоз хонанда Ёқубжон Соҳибовнинг шоир шеърларига басталаб, ижро этган қўшиқлари ҳамда Муслима ва санъат мактаби ўқувчиларининг қувноқ чиқишлари дарага ўзгача файз бағишлади. Анжуман ниҳосида шоир Ашурали Боймурод тадбир қатнашчиларига ўз китобларидан ҳадя қилди, янги ёзган шеърларидан ўқиб берди.

Зарифа ЭСИРГАПОВА, Бекобод тумани Ахборот-кутубхона маркази директори

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ, санъатшунос

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА

БИРУ БОРИМ, ДИЙДОРИНГНИ КЎРАРМАНМУ?



СУБҲИ СОДИҚДА

Қандай гўзал, қандай мафтункор
Тонг шамоли, ифори, гарди...

Қўлларимни самога ёйиб
Учмоққа шай бўлдим, учмоққа!..

\*\*\*

Уни дерман ва ҳеч ёр истамасмен. Шамс Табризий

Ғаҳи худман, ғаҳи беҳуд –
Кўнгилнинг баҳрида чўқдим.

Ситилган хунидан – чак-чак,
Заминда лолалар унғай,

Пойимга тилғар экканлар:
Ғаним ё дўстим – бир хилдек! –

\*\*\*

Кетар эдим, –
Лабимда гунча.
“Азизам...” деб ёлборди биров.

Фунчанинг-ку таъми – умр-ча.
Ортимдаги ким эди?
Билмам!..

\*\*\*

Майсалар кулади – изтироб.
Кунларим кетади ёнгани.
Кўнгилга сиққанин олганман –

\*\*\*

Биру Борим, дийдорингни кўрарманму? Аҳмад Яссавий

Юз бургандим дунёларнинг дунёсига,
Одамликнинг пок ҳам нолок рўёсига.
...Қайдин инди бу Ишқ – қалбим гўёсидай? –

Суйганларим кўзларини кўкка тикди,
Суймаганим пойларимга тилғар экди,

Қор ёғарми, кўёш чақнар, – юракда сел! –
Волидамсиз кўнглим боғин урмоқда ел...
Хастаманим, девонами – сўрмайди эл,

Энди менинг падаримдек бузруким йўқ,
Кўз нуриим йўқ, паноҳбоним, ғамхўрим йўқ,
Қалқон тутсам, кўксим тешар хасча бир ўқ!..

Нолишларим – бандаликнинг хонишлари,
Кўкни тутар юрагимнинг ёнишлари,

Меҳрим қолди жонга кирган ҳаволарда,
Бандим теккан тупроқ, майса, саболарда,

Ишқдан куюб хокистару тупроқ ўлсам,
Ё дарвишдай остонангда урвоқ бўлсам,

Кунлар ўтаётир гоҳ хуш, гоҳ нохуш, –
Сахрога тўкилган томчи сингари.
Карвоннинг ортидан кетяпмиз – сархуш, –

Ортада қолар даштлар,
Ортада – фасллар.
Изимизда йиллар гулхан!

...Худоё,
Кўзимда дардлар гуллади. –
Худоё,
Соғинчдан кўмилди йўлим!..

\*\*\*

У – Жамолнинг остонасида
балки хокмиз,
балки – хокистар...
Нега кўнгил куймоқни қўямас?

У йўллардан кўзларим олдим.
Тинч кўйинг, роҳибу санамлар!
...Ва бандалик ҳасратларимда

\*\*\*

Бахтимми ё бағир – нимтарин.
Йўқотиб топганим ҳам – ярим!
Борсанми, қайдасан ё Карим?!

Дўстми у – кўнглима бегона.
Ёрми у – на Ишқ-ла девона!
Ортадаги изим-да – ягона!..

Наргиза ОДИНАЕВА



ҚИШЛОҒИМ

Хизр кўрган элнинг қариси,
Сўзларидан томиб турар бол.

“Хола-хола” ўйнаймиз қирда.
Тоғолчанинг гулидай излар
Қолдирамиз қанд, ушоқ бирда.

Сув бетиде қалқиган ўрик,
Укамга деб этагим тўлсин.
Бозорчилар яёв, уловда
Қайтишдаи кучоғи тўлиб.

Кучи етмаганда айтилар чам,
Ёмғирнинг ортидан тўкилар туман.

ОТИЛОҚ СУПИСА ЧАЙИМИАН ПИОНЛАР

Хўрозқанди аччиқ эмасми?
Кеч тушганин замон билмайди,

Тўртта эшик берган дунё шамолга,
Мангу ҳалинчак у, ҳаловат учун.

Эртакчи тағин ҳам этолмади ман,

Гарчи танимайди кўёш ҳеч кимни,

Бир четида куз бор эди, баҳорнинг,

Ҳали қорларини эламай осмон,

Тоғлар ўргатади қандай сабрни,

Кучи етмаганда айтилар чам,

Кетсам, товонимдан тишлаб олган ер,

Кўнглимга экканман нечта юлдузми,

Кўзимда бир тартиб айланар тасма,

Кулгимни шафқадан қайтаради тонг,

Ёмғир бўлолмаган булутлар,

Юлдуздан тарқалган зангларда,

Ўт қўйманг шу эски дунёга,

Қоп-қора манғилайга тер ҳалол,

Эркалик қилмагин, жоним-ов,

Ҳар тўлган номозшом – қатта ов!

Манзилга интилсанг, ҳеч қачон шошма.

Дилафрўз ЧОРИЕВА



Сарғайган барг ҳазон эмас,
йўқ, хазинлик эмас куз.

Кекса момом сиймосин
мусаввир куз чизади.

кўз ўнгимда тизади.
Қаргаларга бас келган
кунларини сўзлайди.

Шўълалардан оловли
чоғларини излайди.

Эй моможон, айт эртақ,

Шарқираган сойларда
сулув сув бўп оқдингми?

МУСАВВИР КУЗ ЧИЗМАЛАРИ

Самоларнинг бағрига
хур хаёлинг ўрлайди.

Сен ишқсан, сен салобат
ибратли ҳар нафасинг.

Сени кўчиб она Ер,

Озурда куйингга бойланди кўнглим,

Сен ойдин тилаксан, покиза ўйсан...

Ишқнинг осмониде ойдек тўлайин,

Сўнг бирга ёғамиз, сим-сим ёғамиз,

Нолавор куйингга бойланди кўнглим,

Мезонлар ипига осилган кўнглим,

Келдим баҳордаини куртақлар очиб,

Сочларим гардини артар ёмғирой,

Дарддошим, дилдошим – эгачим дунё,

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Гултепа қишлоғи тоғ этагиде жойлашган. Қишлоқ аҳолиси чорвадор. Ҳар уч жонадондан бирида от боқиш удум.

— Одил, бу отинг билан бизнинг Кўкқашқага бас келармикансан? — деди.

— Буни вақт кўрсатади, ака, — деди Одил чавандоз. Кўпқарида гўлтепаликлар бўш келмади.

йирик от эмасми, ўртага ёриб кирди. Улоқ тепасига борган захоти олд оёқларини бироз букиб энгашди.

Ширибулоқлик ҳамроҳлари кўмакка келишди. Жўрабой: “Жонивор кўйналмасин, бунга ташланглар”, деди.

таслим қилди. Мерган чавандозни койиди: “Қандай одамсиз узи? Шунчалик шафқатсиз буладими, одам?”

Улжа билан Гултепага етиб келганларида одамларнинг олди ухлаган эди.

БЎЗТАРЛОН

нимагадир уясига шошилди. Нар бўри ўлжани уяга тортқилаб кирди-да, болаларида бири йўқлигини кўрди ва дарҳол ташқарига отилди.

берди. Сўнг сакраб от устига чиқди-да, орқа сонини ғажий бошлади.

Одил биринчи ўқни бұшатди. Ўқ бўрининг пешонасида теккан экан, гурсиллаб ерга йиқилди.

Қайси куни гултепалик чўпон тўй қилди, кўпқари берди. Жўра чавандоз Бўзтарлонни кўриб ух тортиди, ғазабланди.

Одил чавандознинг тўнғич ўғли Сардор ўспирин йигит эди. У саратонда Бўзтарлонни сойга олиб бориб чўмилтирарди.

нига бақириб-чақириб ҳайдаб кетишди. Отни қўлидан чиқарган Сардор мулзам бўлиб уйига қайтди. Чавандоз шаҳарга тушган экан, кун ботиш олдиндан қайтиб келди.



### — Аввало, қандай ижодий кайфиятда эканингизни билмоқчи эдик...

— Кишининг кайфияти қандай бўлиши кўп нарсага боғлиқ. Эрталаб уйдан чиқиб, кечда уйга қайтгунингизгача асабингизни асрай олсангиз, демек, кунингизнинг яхши ўтгани шу. Албатта, қундалик майда-чўйда воқелиқлар ижодий кайфиятингизга таъсир қилади. Лекин мен иложи борича асосий мақсаддан чалғимасликка ҳаракат қиламан.

#### — Асосий мақсадингиз нима?

— Ижод, кўшиқ куйлаш... Ундан ҳам аввал ҳар кунни тонгда яхши одам бўлишни ният қиламан.

#### — Яхши одам бўлишнинг мезони борми?

— Замоनावий тайёр мезони йўқ. Аммо Алишер Навоийнинг ижодида барча замонлар учун муҳим бўлган инсонийлик, одамлилик ўзанлари, яхшилик мезонлари ўчмас қилиб қизиб берилган. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида илгари сурилган ғоялар бугун ҳам ғоятда долзарб. Аслида бизга ҳар кунни дастуриламаб бўлаётгани, ҳар кунни асқатаётгани учун ҳам Алишер Навоий ижодини чуқурроқ ўқишимиз керак, деб ўйлайман. Улуғ мутафаккир асарларини фақат илм сифатида ўрганиш эмас, ахлоқ учун озуқа манбаи сифатида ҳам ўзлаштиришимиз лозим.

Саволингизга қайтсак: муҳими, ҳозирда бадийи жамоамизнинг ҳар бир аъзоси кўтаринки ижодий кайфият билан яшамоқда.

— Ҳа, доим кўшиқ билан бирга бўлганман. Бўш вақтларда мусиқа ва кўшиқ билан жиддий шуғулландим. Ўз устимда ишладим. Талабалик пайтимида профессионал кўшиқлар конкурсида қатнашдим. Биринчи йили — учинчи, иккинчи йили — иккинчи, учинчи йили — биринчи ўринларни олиш насиб этди.

Кейинчалик қалбим амри билан тўлиқ кўшиққа ўтиб кетдим.

#### — Нега осон йўлдан — эстрададан кетмадингиз?

— Мен ижодий тақдиримни, келажагимни гитарада кўрдим, гитарага боғландим. Бу мен учун янгиликка ўхшаб туюлди.

Эстрада хонандалари ўшанда ҳам кўп эди, ҳозир ҳам. Уларнинг боши тўйдан чиқмайди. Фақат тўйма-тўй юришади. Бир жиҳатдан улар шунга мажбур. Чунки санъат ҳўжалигини юрийтиш осон эмас. Бу жуда серчиқим соҳа. Боз устига, ҳеч ким эстрадачиларнинг бошини силамайди.

#### — Замоनावий миллий эстрадининг бугунги аҳволини қандай баҳоласиз?

— Яхши кўшиқлар, яхши куйлар, яхши хонандалар йўқ эмас, бор. Аммо умумий ҳолда... Дейлик, бундан йигирма йил аввал энг бўлмағур деб баҳоланган эстрада кўшиқлари бугунги кунда энг яхши кўшиқлар деб олқишланмоқда. Назаримда, шундан ҳам мавжуд аҳволни билса бўлади.

# «СЎЗЛАСАНГ, СЎЗЛАСАНГ, ТИНГЛАСАМ...»

## — Биринчи марта сотиб олган гитарангизни эслайсизми?

— Яхши эслайман. Ўқувчилик пайтим эди. Мактабдан пахта теримига чиқардик. Отам берган пулга ўзим терган пахтанинг пулини қўшиб биринчи марта гитара сотиб олганман. Олдингина, алоҳида хислати йўқ, сози ҳам унча-мунчада мўлжалга келвермасди. Шу гитара билан катта-кичик давраларда кўшиқ айтиб юрдим. Қийналиброқ чалардим. Ушанда маблаг топсам қимматбаҳо, замоनावий гитара оламан, деб орзу қилардим... У гитарани ҳозир ҳам уйда сақлайман, мен учун алоҳида қадрли.

Иккинчи гитарани кўлга киритишим қизиқ бўлган. Талаба эдим. Бир кунни дўстим Равшанбекнинг тоғасининг туғилган кунига бордик. Тоға — катта корхонанинг директори — Ботир Зокировнинг кўшиқларини жуда яхши кўрар экан. Ҳали ўзимнинг кўшиқларим йўқ эди. Уша йилларда роса оммалашган “Ряно” кўшигини такорр-такорр, беш-олти марта сўрашди. Ҳар гал сўрашганда чўнтагимга бир талай пул тиқиб, рағбатлантириб туришди. Даврада мендан бошқам тор, рубоб, доира ва бошқа созлар билан хоних қиладиган кўшиқчилар бор эди. Лекин жамоага мен айтган кўшиқлар маъқул келди. Нима дейсизки, омад тасодифан, кутилмаганда келади...

Мен янги гитара учун оз-оздан маблаг жамғариб юрардим. Уша пулни “биринчи концерт”дан тушган пулга қўшиб, Бешёғоқ бозоридаги ҳамма созанда-ю, хонандалар яхши биладиган “Алмаха” дуконидан янги гитара олдим. Яъни кўп йиллик орзуёмга етдим. Ҳозиргача шу гитарани ишлатаман. Ҳозир гитараларим кўп, лекин у гитарани ҳамон асраб-авайлаб келаман.

## — Тоға ҳозир ҳам катта корхона директори-рими?

— Йўқ, анчадан буён нафақада. Аммо вақти-вақти билан мени сўраб, йўқлаб туради. Санъатни қадрлайди.

Ана шундай санъатсевар меценатларимиз кўп бўлсин.

## — Кўшиққа меҳр қўйишнингизда ниманинг таъсири бўлган?

— Болаликдан кимнингдир футболга ишқи тушади, кимдир от минишни орзу қилади. Кимдир бўш вақтида техникага ёпишади. Кишининг касб-коридан ташқари бир ишқибозлиги бўлади. Шу ишқибозлик кишига кайфият бағишлайди, кайфиятга озуқа беради.

3-синфлигимда телевизордан эшитган кўшиқларимни айтиб юрардим. Акам мени мусиқа ва рақс тўғаришга олиб борди. Уша ерда ўрганган кўшигимни айтдим. Ва шу билан бошланиб кетди... Устоз мени эшитиб, сенда нимадир борга ўхшайди, деди. Хайрихоҳлик билдирди. Аста-секин созларни ўрганишга киришдим. Мактабимизда, тўғарақда уюштирилдиган ҳар хил байрам танловларида ўрин оладиган бўлдим. Тўғарақдан мусиқа мактабига тавсия қилишди. У ерга бордим. Уша пайтда Аҳмад Зоҳирни кўп эшитардим. Сал улғайиб, Тавваккал Қодиров, Ботир Зокиров, кейинроқ Ортық Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Худойшукров, Шерали Журевнинг кўшиқларини қайта-қайта эшитардим. Талабалиқда ўша йилларда роса машҳур бўлган Муҳриддин Холиқов, Охун Мадалиев, Ғиёс Бойтоевнинг кўшиқларини айтдим.

Тошкент тиббиёт институтида ўқидим. Факультет ансамбли солисти эдим. Шифоқор бўлиб институтнинг ўзида ишлаб қолишимга санъат ва адабиётга ҳаминша хайрихоҳлик билан қараган йирик олим, ўша пайтда ТошМИ ректори Турғунўлат Даминов сабабчи бўлган. Институт клиникасида шифоқор бўлиб ишлаб юрганамда илмий ходимлар, доцентларнинг юбилейларини, тадбирларнинг мусиқали қисмини эмин-эркин ўтказардим.

## — Демак, доим кўшиқ билан бирга бўлгансиз?

## Хушовоз хонанда Шухрат ДАРЁ билан суҳбат

Эстрада хонандалари асосан фонограмма ёрдамида кўшиқ куйлашади. Бироқ ҳозирги пайтда оддий муҳлис ҳам фонограмма билан жонли ижронинг фарқига боради. Бу одамларнинг бадийи диди усаяётганидан далолат.

Сир эмас, эстрадада негатив кўпайиб кетди, плагиат кўпайиб кетди. Кўпинча ўткир танқид орқали ёки санъат қадрини ерга ураётганларни инсофга чақириб, бундай иллатнинг олдини олмақчи бўлишади. Бу, менингча, самарасиз, нотўғри йўл. Яхши кўшиқни кўпроқ тарғиб қилиш, ёмон кўшиққа экранларда, эфирларда, сахналарда ўрин бермаслик керак. Шундагина ёмоннинг йўлини кесмиш мумкин.

## — Кўшиқ аввало тингловчи учун яратилади. Бугунги муҳлис ёки тингловчининг савияси сизни қониқтирадими?

— Шу ўринда мен қирқ-эллик ёш оралиғидаги зиёлилар борасида мулоҳаза билдирмоқчиман. Ахир, асосан шу тоифа кўпроқ кўшиқ тинглайди, концертларга тушади, театрларга боради... Лекин баъзида улар ўзларини кўшиқдан баланд тутгандек туюлади. Кўшиқ, куй ҳеч нарсага арзимайди, дегандек муносабатда бўлишади. Кўшиққа гўёки арзимас матоҳга ёки керак эмас нарсага қарагандек қарашади. “Ҳа, бир кўшиқда...” деб қўл силтаб қўйишади. Ҳали кўшиқни эшитмасдан инкор этишади. Камолиддин Раҳимов, Ботир Зокиров каби зўр талантлар ўтиб бўлди, энди яхши кўшиқлар яратилмайди, деб ўйлашадими? Ваҳоланки, ҳар даврнинг ўз кўшиқлари, ўз хонандалари бўлади. Баъзида тингловчидан ҳафсаланг пир бўлган чоғларда, э, зах ва қоронғи залларда уззукун машқ қилавермасдан, мен ҳам тўйма-тўй юрсам бўлар экан, деб юборасан, киши.

Яқинда ҳамкасбларимиз Шимолый Осетияда бўлиб келишди. Уларнинг санъатини кўрган, томоша қилган тинглаган мезбонлар, маҳаллий аҳоли, ўзбекларда ҳақиқий миллий ва умуминсоний руҳдаги мумтоз санъат сақланиб қолган экан, деб юқори баҳо беришибди. Бу бежиз эмас, негаки, дунёнинг кўп жойларида санъатнинг барча турлари замон ва замоनावийлик талаби деб асл қиёфасини йўқотиб бормоқда.

Аҳолининг зиёли қатлами оилавий, яъни турмуш ўроқлари ва фарзандлари билан биргалликда ўз йўналишига эга бўлган артистларнинг концертларига, театрларга тушишлари, санъатнинг барча турларида тўлақонли бахраманд бўлишлари керак, деб ҳисоблайман.

Афсуски, бугунги кунда, омманинг бошқа табақасини қўя турайлик, зиёлилар ҳам театрларга, концертларга жуда кам тушади. Ҳолбуки, чипта олиб концертга тушиш — артистини, театрда тушиш — театрни қўллаб-қувватлашдир.

Шу йилнинг май ойида Москвада бўлдим. Ўнлаб театрлар фаолият юрийтиб турган шундай катта шаҳарда бирорта театрда чипта топилмайди. Омад кулиб бокса, бир неча кун, ҳатто бир неча ой кейинга чипта олишимиз мумкин. Ваҳоланки, Москвада қанча театр бор?! Излаб-излаб, охири бир театрда чипта топдик. Чипталар арзон эмас, анча қиммат. Шундай бўлса-да, топилмайди.

Эътибор бердим, кўчаларда театр афишалари йўқ. Театрга тушиш одамлар учун оддий ҳолга, оддий эҳтиёжга айланган. Бу, ҳар ҳолда, Интернетда олди-қочди видеоларни кўргандан кўра минг марта афзал...

## — Устозларингиз кимлар? Шогирдларингиз-чи?

— Ҳаёт мени кўп яхши инсонлар билан учраштирди. Ким биландир кўпроқ, яна ким билан қисқа муддат бира ишладим ёки ҳамсуҳбат бўлдим. Шуларнинг кўпчилигидан нимадир ўргандим. Аммо инсон ҳаётида, айниқса, ижодкорнинг ҳаёт йўлида устознинг ўрни алоҳида бўлади.

Биринчи устозим — мусиқа мактабига Сувонокўл Йўлдошев эди. Менга рубоб чалишни, фақат чалишни эмас, чолғу асбоблари ва мусиқани севишни ўргатди. Аслида севги ўргатилмайди, ўрганилади.

Мансуржон Мамиров — пойтахтда ижод қилиб қолишимга сабабчи бўлган устозим. У киши институтда ёшларга аънавий ижро йўналишида таҳсил беради, лекин кўшиқчиликда ўз йўналишимни топшимда, янги кўшиқлар ёзиб, радиоларга тақдим этишимда менга кўп кўмак берган. Шу орқали устоз аввало менда ўзимга бўлган ишончини тарбиялади. Киши ўз иқтидори ва санъатига енгил-елпи эмас, катта масъулият билан қараши кераклигини, ижодда ички интизомга риоя қилиш жудаая зарурлигини, талантни парваришлаш ва ўстириб бориш ижодкорнинг ўзига боғлиқ эканини англади.

Ҳақиқий санъат, ижод йўл-йўлакай бўладиган иш эмас. У санъаткордан тўла фидойиликни талаб қилади. Катта санъат муҳитига уйғунлашиш ҳам бошловчи санъаткор учун жуда муҳим.

Ўзбекистон Халқ артисти Ботир Зокировни чи-накам Устоз деб биламан. Ботир Зокировнинг ижоди ва ҳаёт йўлидан кўп нарсга ўрганганман.

Шогирдлар ҳақида гапирганда шуни айтмоқчи-манки, устоз шогирдларни эмас, шогирдлар устозни танлайди. Мен шогирдларга, умуман, санъат

ўтказмасдан бу одамни қатл эттиролмайман, дейди. Тоға, у ҳолда беклар сизни кўрқоқ экан, дейишади ва кетиб қолишади. Улар кетса, биз кучсизлашамиз, ожизланиб қоламиз, деб эътироз билдиради... Дарवेशов қатл этилади. Аслида, гов мироб бўлган пайтида бекларга наватдан ташқари сув бермагани учун беклар ундан шу тарика ўч олишган эди. Бобур шу хатоси учун умрининг охиригача афсус билан яшаган.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Хамса”сига кирган “Сади Искандарий” достони қаҳрамони Искандарни олайлик. Унинг подшо отаси Файлакус оламдан ўтганидан кейин вазиру вазиро Искандардан тахтни эгаллашни сўрайди. Ўғил бундай масъулиятни, жавобгарликни зиммамга ололмайман, деб бош тортади. Отасининг васиятини эслатишгач, тахтга



чиқишга рози бўлади. Тахтга ўтиргач, биринчи фармони билан кун чиққандан кун بوتгунгача халқнинг арз-додини эшитишини, эл-юртда адолат қарор топишни, ноҳақ жазоланганлар оқлинишини эълон қилади.

Яна шундай лавҳа борки, кўчада ўғлини етаклаб кетаётган ота, ўғлимини яхши кўраман, лекин Искандарни ундан ҳам яхши кўраман. Негаки, у туфайли юртда адолат ва ҳалоллик қарор топди. Қайси вилоятда қарвоннинг бир нинаси йўқолса, ўша вилоят ҳокими битта нинани бешта қилиб қайтаради, дейди.

Умуман олганда, “Зарбулмасал”, “Хамса”, “Ўтган кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар” каби китоблардан баҳра олмаган одамлар кўп нарсга йўқотади, деб ўйлайман.

## — Сиз бор кунингиз, бор имкониятингиз билан ижод қилишингиз учун халал берадиган нарсалар борми?

— Санъаткор фақат ижодга берилиб, бошқа нарсаларни, масалан, оилани четга суриб қўйса, ўта худбин одамга айланади. У ҳам оддий одам. Хотини янги пальто, ўғли янги крассовка кияман дейди. Аввал оилани таъминлаб, бадастир қилиб, кейин ижод қилса, у ҳақиқий санъаткор бўлади.

Француз ёзувчиси Эмил Золянинг “Ижод” номили романи бор. Асар қаҳрамони Клод Лантье рассом, у ижодни деб оилани ташлаб қўяди. Натижада хотини, ўғли кетиб қолади. Рассом афсус қилади, аммо энди кеч эди.

Бундай ҳолат ҳар қандай санъаткор учун фожиага айланади, деб ўйлайман.

## — Одамларнинг ташвиши кўпайгани сари куй, кўшиққа кўпроқ интилади. Бунга сабаб нима?

— Менимча, иш, ташвиш, кундалик югур-югурлар кўпайганда, одам руҳий эркинлик истайди. Мусиқа, яхши кўшиқ орқали бироз бўлса-да, ташвишларни унутади. Ўзини бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис этади...

## — Концертларда, муҳлислар билан учрашуларда сизни ранжитадиган ёки руҳлантирадиган, рағбатлантирадиган ҳолатлар бўладими?

— Ҳамма муҳлислар бир хил эмас. Масалан, мен барча концертларга янги кўшиқлар киритаман. Айрим муҳлислар эса, янги кўшиқларни эшитишга сабри чидамасдан, нуқул эски кўшиқларни сўрашаверди. Балки инсон табииати шундайдир, эски, ўзига таниш, ўзи билган нарсаларни хоҳлар...

Биз юқоридеда шу ҳақда бироз гаплашдик. Чиндан ҳам яхши кўшиқчилар ўтиб кетди, энди яхши кўшиқлар яратилмайди, деб ўйлайдиганлар бор. Лекин улар ўзларини алдашади. Масалан, театрда жиддий спектаклга келиб, комедианг йўқми, деб савол қўйилса, бу театрни инкор этиш эмасми? Театрга ҳам, концертга ҳам театр, концерт ёки асар бўйича муайян тайёргарлик билан бориш керак. Мен театр-га, концертга дам олиш учун эмас, қалбни, руҳиятни бойитиш, фикрлаш учун бориш тарафдориман.

## — Нега сизга ўхшаб гитарада кўшиқ айтадиган кўшиқчилар кам?

— Йўқ, ҳозир гитара чалиб айтадиганлар кўпайиб қолди. Жалолиддин Аҳмадалиев шу йўналишда яхши ижод қилаяпти. Омадини берсин.

Гитара чалиб кўшиқ айтиш кўшиқчидан кўпроқ куч талаб қилади.

## — Бугунги ёшларнинг кўшиққа муносабатидан кўнглингиз тўладими?

— Ёшларнинг кўшиққа муносабатига аввало уларнинг қандай оилада, қандай муҳитда ўсгани таъсир қилади, албатта. Ўтган аср охирида машҳур бўлган Анна Герман, Муслим Магомаявнинг кўшиқларини эшитётган ёшларни кўраётган. Демак,

асл санъатга қайтиш бор. Биз, кўшиқчилар шу эҳтиёжни яхши кўшиқларимиз билан қондиришимиз керак.

Лекин, афсуски, енгил-елпи кўшиқларга берилиб кетган ёшлар ҳам оз эмас.

Тўйларда ёшлар ер тепиб рақсга тушадиган кўшиқларнинг сўзларига чидаб бўлмайди. Масалан, хиёнат қилган ёр ҳақидаги кўшиққа ўйнаб бўладими? Ёки “Юришларинг бомба... Ҳамма жойларинг бомба...” Майли, шу каби сўзларни тушунмасдан кимдир кўшиқ қилибди. Хўп. Лекин нега одамлар бемаза “кўшиқ”ларни эшитади ва унга қарсак чалади? Аввало, жамоатчиликнинг ўзи ёмон кўшиққа нисбатан мурсосиз бўлиши керак эмасми? Ёки ҳамма нарсага қарсак чалишга ўрганиб қолдикми? Сайтларга кўшиқ деб қўйилаётган нарсаларни-ку гапириб ҳам бўлмайди. Яқинда тунги клубларда янградидиган кўшиқларнинг таржимасини эшитиб, лол қолдим: “Оёқларинг чиройли... бошқа жойларинг янаям чиройли...”

Эстрада касаначилари бор. Уларга қўйиб берса, эстрадани касаначилик цехига айлантириб юборишади. Китоб ўқимайдиган оддий тингловчи дидини ана шу касаначилар бузмоқда. Тунги клубларда янграётган ажнабий мусиқаларни олиб, уларга ўзбекча сўзларни “кидиришади”. Шу “кўшиқ”лар, минг таассуфки, тўйларимизда тинмай янграйди. Афсуски, одамлар уларни кўшиқ деб, санъат деб қабул қилади ва шунга ўрганади, кўникади.

## — Ўзингиз учун алоҳида қадрли бўлган кўшиқларингиз борми?

— Мен доим Ботир Зокировнинг “Умид”, “Ряно”, “Араб тангоси” каби кўшиқларини яхши кўриб, юракдан куйлайман. Ўзим яратган кўшиқлар ҳам аста-секин кўпаймоқда. Олий ўқув юртларида ёки бошқа жойларда, айниқса, ёшлар давраларида ўтадиган турли учрашуларда “Шаббода”, “Севдим”, “Гуликон”, “Кўйлақлари билан чўмилиган қизлар...”, “Гулимсан”, “Лолақизғалдоқ”, “Синфдош қиз”, “Фаришта”, “Ёмғир”, “Сени эслатар...”, “Ёғаверар қор”, “Кечиккан севги”, “Ферузабону”, “Бу аёл бунчалар чиройли...” каби кўшиқларни такорр-такорр сўрашади. Бу кўшиқларимнинг ҳар бирининг алоҳида тингловчилари, муҳлислари бор.

## — Ижодда нимага эришмоқчисиз?

— Мақсадим — яхши кўшиқлардан катта оқим — кўшиқлар дарёсини яратиш.

## — Санъаткорнинг фуқаролик бурчини қандай изоҳлайсиз?


— Биз ким бўлишимиздан қатъий назар, санъаткорим ёки бошқа соҳа вақилими, аввало, шу халқ, шу Ватанинг фарзандимиз. Ота-онамизнинг олдида қандай бурчли бўлсак, эл-юрт олдида ҳам шундай бурчлимиз. Оддий фуқародан фарқли ўлароқ, санъаткор ўзи тугулиб ўсган маҳаллани, қишлоқни, шаҳарни, она деб ардоқлайдиганимиз Ўзбекистонни самимиий севги билан севиб, уни қуйлаши, маҳд этиши лозим. Санъаткорнинг асарлари бошқаларда, айниқса, ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилсагина, бадийи ва ижтимоий қиммат касб этади. Айтадилар-ку, ота-она танланмайди, худди шунингдек, Ватан ҳам танланмайди. Ватан чин меҳр-муҳаббат билан севилади. Чунки сен шу ерда туғилдинг, ўсдинг, ўқидинг, улғайдинг. Одам бўлдинг. Шу замин, шу миллат учун ўзингни бағишлай олсанг, ҳақиқий маънодаги санъаткорга айланасан. Ижодинг ака-ўка, опа-сингил, кўни-кўшин, умуман одамлар ўртасида меҳр-оқибати мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим...

## — Тиббиётдан кечиб, кўшиқчи бўлдингиз, мабодо шароит мажбур этса, кўшиқдан кечиб, қайси соҳага ўтишингиз мумкин?

— Кўшиқдан бошқа соҳани тасаввур қила олмаيمان.

Салим АШУР суҳбатлашди.

КИТОБИНГИЗНИ ҲАҚИДИМ



Табиатан таъсирчанман. Китоб ўқисам ёки кино кўрсам, улардаги қахрамонларнинг кечинмаларини ўзимга юктириб оламан. Шу боис кейинги вақтларда деярли кўп қисмли фильмларни томоша қилмаяпман. Аммо бирон китоб тақдироти бўлганини эшитсам, топиб ўқишга интиламан! Ўйлаб қарасам, бутун вужудим билан шўнғиб китоб ўқимаганимга анча бўлибди. Китобхоннинг бутун хаёлини ўзига оғдирмаган китоб – китоб эмас! Ўқувчининг туйғуларини жунбушга келтирмаган ёзувчи – ёзувчи эмас!

Излаганимни топдим

Тенгқурларимдан тез-тез сўрайман: "Сизларда ҳам шундайми, телефон деган балога кўп чалғиялман?! Бир мен эмас, барчада ҳам шу. Шундай ўйлар билан юрганамда мени ўзига асир этган китобни ўқиб қолдим: Бу – "Ўзбек шахматининг олтин авлоди".

Китоб бир нафасда ўқилади. Бугуннинг талаби қисқалик, аниқлик, шу жиҳатдан янги китоблар ичида ўзига хослиги билан ажралиб туради. Жавоҳиру Шамсиддин бўлиб, 64 катакда ҳукмронлик қиласиз! Ваҳоланки, шу 64 катак бутун дунё давлат-

ларининг ақл жиҳатдан ким устун эканини белгилаб беради!

Қадим туйғу

"Оққан дарё оқаверади", дейди халқимиз. Биз мутафаккирларнинг авлодимиз. Дунёнинг ярмини забт этган Соҳибқирон, мамлакатни яққалам қилган барҳаёт Алишер Навоий, юлдузлар илми соҳибни Мирзо Улугбек, ўнлаб тилларни билган Форобий, Хоразмий... Бу рўйхатни сўнгисиз давом эттириш мумкин. Қувонарлиси, уларнинг авлодлари Нодирбеку Шамсиддинлар ўздан ёши икки баробар катта гроссмейстер-

ларни мағлуб этмоқда. Шундай буюк алло-маларнинг авлодлари эканини, ўзбекининг ақлу закосини яна бир бора дунёга эслатиб қўймоқда!

Қандай ажиб бир туйғу! Шахматчиларимизнинг ўз устида ишлаши ёзилган саҳифаларда улғу жангга тайёргарлик паллалари кўз олдингизда гавдаланади. Кўрмаган бўлсангиз-да, ақлан ва қалбан ҳис қиласиз. Китоб муталаасидан сўнг ўз хаётингизда интилган мақсадларингизга шундай пухта тайёргарлик кўриш кераклигини англайсиз. Умрингизни, қадамларингизни сарҳисоб қиласиз. Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади!

Муваффақият сири

Бугунгача жуда кўп китоблар ўқиганман. Тан оламан, ўзимда бу китобни ўқиганчалик "уйғониш" ҳис қилмаганман. Беихтиёр ёзувчи Тоғай Муроднинг "Юлдузлар мангу ёнади" асари ёдингизга тушади. Ундаги зафарли, энгилмас полвонлар кураши кўз олдингизда гавдаланади. Бироқ бизнинг давримиздаги Жавоҳир, Шамсиддин Нодирларимиз Бўрибой полвондек ўзига бино қўймаган! Нафақат шахмат жанглирида, балки инсоний фа-

зилатларда ҳам ҳамма ҳавас қилса арзийдиган ёшлар!

Китоб кимга мўлжалланган?

Асарнинг яна бир устунлиги шундаки, у ўқиш учун ёш танламайди. 7 ёшдан 70 ёшгача – барчага керакли, манзур бўладиган жиҳатлари талайгина. Асосийси, китобда намуна учун ҳеч қандай уйдирма, бадий тўқима, хаёлий аспект қўлланмаган. Барчаси ҳақиқат! Бунинг учун афсона тўқиш шарт эмас. Гап исботи билан. Бир ўйлаб кўринг-а, "Алпомиш" дostonида 14 ботмон ёйни кўтариб, Асқар тоғини кўпрган Алпомиш бизнинг 9 ярим ёшида 29 ёшли Халқаро гроссмейстерни енгган Нодирбек эмасми?!

Хулоса

"Ўзбек шахматининг олтин авлоди" китоби шахматчиларимизнинг таржимаи ҳоли, ғалабалари ҳақидаги кичик ҳикоялар ва суҳбатлардан ташкил топган. Ўқилиши осон, барчага тушунарли.

Муаллиф Хусан Карвонлининг ижодий услубига келсак, асардаги воқеалар ҳаётий

ҳақиқатларга асосланган. Кичик ҳикояларда реал воқеаларга бадий зеб берилган. Сарлавҳасига тўхталадиган бўлсак, жанрининг ўзи шу сарлавҳани тақозо этади. Боси, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров, Шамсиддин Воҳидовлар ҳақиқатдан ҳам ўзбек шахматининг олтин авлодлари! Айнан улар шахмат бўйича биз гарбдан илғорроқ эканимизни исботлади.

Асарнинг асосий ғояси нафақат ёш шахматчиларнинг ютуқларини муҳрлаш, балки истеъодларни тарбиялашда оиланингни ўрнини кўрсатиб беришдан иборат. Китобни муталаа қилар экансиз, Фафур Фулом тасвирлаган меҳрибон оталарнинг бугунги замонавий қарашларини, ўзбек бобосининг фарзанд тарбиясидаги мислсиз ўрнини англайсиз.

Умуман, асардан олган таассуротларим ҳақида яна битта китоб ёзиш мумкин! "Ўзбек шахматининг олтин авлоди" – ижод сари дадил қадам ташлашга ундайдиган китоб бўлган. Устоз Хусан Карвонлининг ўзига хос ижод йўли, теран нигоҳи, бошқа ёзувчиларни тақдорламайдиган жиҳатларига яна бир карра амин бўласиз!

Шахноза ЯНГИБОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

ЁШЛАР ОВОЗИ



ЮРТ ВАСФИ

Бизнинг қувонч шунки Ватанимиз бори билан, Очилган гул-ғунча, хасу хори билан. Қўйланмак майин куй-ла васфу мадхи, Гул кўнглининг гулдех нозик тори билан. Ўланларга тўлиб кетгай бағри бир кун, Уланиб бу дамги юз алёри билан. Меҳри билан чўлланади қалбим, дўстлар, Очилади баҳри дил гулзори билан. Бахт елидан мудом масрур Суннатullo, Кўнглида бор шу юрт ифтихори билан.

ОНАГИНАМ

Керагидан ортиқ гирди қапалагим, Жоним қафтада асраб ўзи жоңхалагим, Бор дунёим, меҳрлигим, ой, малагим, Орзуларим рўёб бўлди, ҳаққа дўнди, Жоним – онам, хизматингиз қилай энди.

Кечалари уйқуда ҳам болам дейсиз, Томир отиб очилсин гул-лолам дейсиз, Айбим ёпиб алқанам – дуғуйсиз, Сув куйдингиз, боғларимда ниҳол унди, О ягонам, хизматингиз қилай энди.

Қанча хоҳиш-истаклар бор, ушатайин, Сиз айтганча бўлақолсин, тузатайин, Болаларим ортидан жим кузатайин, Набиралар бир-бир саман тойчоқ минди, Шодиданам, хизматингиз қилай энди.

Ободлигим йўйиб бахту саодатга, Вақт ажратай тонгда ҳамду саловатга, Эришингиз икки дунё ҳаловатга, Кўзларимга айриликда ёшлар инди, О равонам, хизматингиз қилай энди...

Кўнгли осмонимда мангу камалагим!..

МУНИС АЁЛ

Қадамингга гул тўшайман, Қадамжойинг аллақачон гул! Сендан куйи саналгай чаман, Хоки пойинг куйлаган булбул.

Нафис атринг гул таролмайди, Мағрур сенга тик қаролмайди. Ҳеч тенги йўқ латофатингни Кўздан боқиб ой сўролмайди.

Сен дунёни дунё қилгансан, Ўз кўнглингни асло билмайсан. Кўнглиларни яшатиб қўйиб, Ғам тоғлари қулар жимлайсанг.

Қадамингга гул тўшайман, Қадамжойинг аллақачон гул!..

\*\*\*

Гул илҳомин тортиқ этар булбулга, Ибо йўлдош эрур сочи сўмбулга, Куз бўлиб тўкилган хаста кўнгилга, Баҳоримни яна қайтиб бер, тақдир.

Гул ўрни беқийёс яшнаган боғда, Каклигим мағрурдир виқорли тоғда. Мажнуннинг саҳросин қолдириб доғда, Анҳоримни яна қайтиб бер, тақдир.

Ким экан у, ким у манзилга етган, Мол ортириб, молин орқалаб кетган? Осуда ҳаётнинг бағрида ётган, Саҳаримни яна қайтиб бер, тақдир.

Кўнгли кўзгусини пардоз этарман, Ҳурлик самосида парвоз этарман. Бас, энди етади, майни нетарман? Гулзоримни яна қайтиб бер, тақдир.

Суннатилло РАҲМОН

ФАХРЛИ ОЛТИН АВЛОД

АДИБЛАР ХИЁБОНИДАН «ШУМ БОЛА»ГАЧА

Ёшлик – фусункор фасл. Уни ранг-баранг этган асли камалакранг туйғулардир. Бу гўзал паллада қўлига қалам тутмаган, икки мисра шеър битмаган кимса йўқдир. Тошкент вилоятида ташкил этилган адабий тўғарақлар ана шундай қўлида қалами, дилида адабиётга иштиёқи бор ёшларни бирлаштирган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими қошида бир неча йиллардан буён фаолият юритаётган, "Довон жилғалари", "Давра", "Илҳом" "Музейна Алавия", "Бука ниҳоллари", "Илк қадам" тўғарақларида юзлаб ёшлар бугунги кунда адабиётнинг сирли, шафоатли оламиндан баҳра олмақда.

Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раҳбари Маҳмуд Тоир бошчилигида "Нурли қадам" тўғарагида утказилган адабий мулоқотларда, адиблар билан учрашувларда ҳудуддаги барча адабий тўғарақларнинг аъзолари фаол иштирок этиб келмоқда.

Қуйи Чирчиқ туманидаги "Парвоз" тўғараги ўтган беш йил ичида кўплаб ёшларни ўзида жамлади. Истеъодли ёшларнинг ижодий машқлари жамланган "Парвоз" шеърый тўплами чоп

этилди. Тўғарақ ёшлари турли адабий семинар, лойиҳа ва танловларда фаол.

Қуйи кеча "Парвоз"чилар Адиблар хийбони, Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейида, "Ёшлик" журна-



ли таҳририяти ҳамда Фафур Фулом уй-музейида бўлишди. Улар уюшма тарихи музейида адабиёт дарсликларидан ўқимаган, эшитмаган янгиликлар, ёзувчи ва шоирлар ҳақидаги қизиқ маълумотларга эга бўлишди.

ҳада этилгани эса шу лаҳзаларни хотираларга муҳрлади.

Наргиза АСАДОВА, "Парвоз" адабий тўғараги раҳбари

ОБУНА – 2023

Азиз газетхон!

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига

2023 йил учун обуна давом этмоқда

- Мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналари, назмий ва насрий асарлар, бадий публицистика-да акс этган давр нафаси билан ошно бўласиз;
– жаҳон адабиётидан энг яхши таржималар;
– адабиётшунос олимларнинг илмий-таҳлилий мақолалари;
– юртимиз ва жаҳон санъати янгиликлари, санъат ва маданият тадбирлари ҳақида таҳлилий мақолалар;
– Ижод мактабларида кўз очатган булоқлар – ёш истеъод эгаларининг энг сара машқлари билан йил давомида танишиб борасиз. Обуна Республика "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик жамиятининг вилоят ва туман бўлими, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳрида матбуот тарқатиш дўконлари орқали ёки таҳририятнинг ўзида обуна бўлишингиз мумкин.

Нашр кўрсаткичи: Яқка шахслар учун - 222. Ташкилотлар учун - 223.

КУЗ ЭПКИНЛАРИ



қолгандек. "Эҳ, болам-а, эркатой набира-ларимни, келинимни олиб келмадинг-а!" дея ўқинаётгандир онам.

Сершовқин шаҳар, турмуш ташвишлари йўлимни тўсма, она маконим соғиндим. Хаёллар, хаёллар етаклаб кетаверади. Гоҳ тоғ ошаман, гоҳ чўлда ёлғиз кезинаман. Тизгинсиз хаёллар ичида тонг отганини сезмай қоламан. Хотира ширин дамларни ёдга солади, аччиқ онларни етаклаб келади, кўксимни алам тирнайди...

Онагинам, наҳот энди сиз йўқсиз, энди ёлғизимни мен?.. Ўтган йиллар бағримдан синзинг иссиқ тафтингизни олиб кетолмади. Қарда бўлсам-да, қалбимда, шууримда бўлдингиз. Аллоҳ насиб этиб, август ойида Кабатуллоҳни зиёрат қилдим. Ўша жойда ҳам кўз олдимда намоен бўлдингиз. Ҳақингизга дуолар қилдим. Муқаддас саждагоҳда инсон бошқача бўлиб кетар экан. Бу дунёга нима учун келганингни, нима учун яшаётганингни янада яққолроқ, янада ёрқинроқ ҳис этаркансан. Бу оламда омонат эканингни, фақат яхшилик қилиш кераклигини

КАТРА

Тизгинсиз хаёллар безовта қила-веради. Хаёлот – чексиз. Хазонрезги куз онамининг қабри устига яна ҳар йилгидек ўз баргларини ташлайди. Куз ёмғирларига қўшилиб майин шабада онам қадрини сийпалайди. Булар ўқис қалбимга бироз таскин берса-да, дардимга малҳам бўлолмайди.

Илгари кап-катта бўлиб қолган ўғлим онасининг тиззасига бошини қўйганча худди ёш боладек эркаланса, энсам қотарди. Ҳозир унга ҳавасим келади. Баъзан она соғинчидан юракбағрим тўлиб кетади. Шундай кезларда онангиз бағрига отилинг, болажонлар, деб ҳайқиргим келади.

Эҳ, менинг хаёлларимни тўзғитиб, юрагимни тилка-пора қилган олтин куз! Яна кулбам сари келдингми?! Яна эслатдингми болалигимни, онамни?! Яна сенга дардларимни айтаман... Сени яхши кўраман. Сен билан сирлашгим келади.

Иzzат АҲМЕДОВ



Ўzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош муҳаррир Салим АШУР

Таҳририятга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаси назардан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ Навбатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ Саҳифаловчи: Ниғора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган. Адади - 862. Буюртма Г - 1144. Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2. Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ Сотувда нархи эркин.



"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 21.35.

